

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR  
VAZIRLIGI



ILMIY  
AXBOROTNOMA | 2024

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI  
ILMIY AXBOROTNOMASI

- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА
- SCIENTIFIC BULLETIN OF NAMANGAN STATE UNIVERSITY

12



**Bosh muharrir:**

p.f.d., prof., S.T. Turg'unov

**Mas'ul muharrir:**

PhD., dots., A.A. Rasulov

**Mas'ul muharrir o'rinnbosari:**

PhD., dots., O.N. Imomov

## TAHRIR HAY'ATI

### **Fizika-matematika fanlari:**

akad. S. Zaynobiddinov  
akad. A. A'zamov  
f-m.f.d., prof. B. Samatov  
f-m.f.d., dots. R. Xakimov  
f-m.f.d., dots. B. Abdulazizov  
f-m.f.n., dots. A. Xolboyev  
f-m.f.n., dots. R. Jalalov

### **Biologiya fanlari:**

akad. K. Tojibayev  
akad. R. Sobirov  
b.f.d., prof. A. Batashov  
b.f.d., prof. N. Abdurahmonov  
b.f.d., prof. F. Kushanov  
b.f.d., prof. A. Kuchboyev  
b.f.d., dots. D. Dexqonov

### **Texnika fanlari:**

t.f.d., prof. A. Umarov  
t.f.d., prof. S. Yunusov

### **Tarix fanlari:**

akad. A. Asqarov  
s.f.d., prof. T. Fayzullayev  
s.f.d., prof. N.B. Dexkanov  
t.f.d., prof. A. Rasulov  
t.f.d., prof. M. Xaydarov

### **Falsafa fanlari:**

f.f.d., prof. M. Ismoilov  
f.f.d., prof. B. Talapov  
f.f.d., dots. Z. Isaqova  
f.f.d., G. G'affarova  
p.f.d., prof. T. Ismoilov  
PhD. A. Abdullayev

### **Pedagogika fanlari:**

p.f.d., prof. U. Inoyatov  
p.f.d., prof. B. Xodjayev  
p.f.d., prof. O'. Asqarova  
p.f.n., dots. M. Nishonov  
p.f.n., dots. A. Sattarov  
p.f.n., dots. M. Asqarova  
p.f.n., dots. Sh. Xo'jamberdiyeva  
p.f.d., dots. S. Abdullayev  
PhD., dots. D. Sarimsakova  
PhD., B. Urinov

### **Kimyo fanlari:**

akad. S. Nigmatov  
k.f.d., prof. Sh. Abdullayev  
t.f.d., dots. G'. Doliyev  
k.f.n., dots. T. Sattorov  
k.f.n., dots. A. Hurmamatov  
PhD., dots. D.S. Xolmatov

### **Filologiya fanlari:**

fil.f.d., prof. N. Uluqov  
fil.f.d., prof. H. Usmanova  
f.f.n., dots. Q. Siddiqov  
PhD. H. Solixo'jayeva  
PhD. dots. U. Qo'ziyev  
PhD. H. Sarimsoqov  
fil.f.d., N. Dosbayeva

### **Qishloq xo'jaligi fanlari:**

g.f.d., prof. B. Kamalov  
q-x.f.n., dots. A. Qazaqov

### **Geografiya fanlari:**

g.f.d., dots. B. Kamalov  
g.f.d., prof. A. Nigmatov  
g.f.d., dots. A. Nazarov

### **Iqtisodiyot fanlari:**

i.f.d., prof. N. Maxmudov  
i.f.d., prof. O. Odilov

### **Tibbiyot fanlari:**

b.f.d., prof. G'. Abdullayev  
tib.f.n., dots. S. Boltaboyev

### **Psixologiya fanlari:**

p.f.d., prof. Z. Nishanova  
p.f.n., dots. M. Maxsudova

### **Texnik muharrir:**

S. Xoshimov

### **Rasmiy web sahifa:**

journal.namdu.uz

### **Tahririyat manzili:**

Boburshox ko'chasi, 161-uy

### **Faks:**

(0369)227-07-61 e-mail: science@namdu.uz

Ushbu jurnal 2019-yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"NamDU ilmiy axborotnomasi – Haychny vestnik NamGU" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 -raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standart turkum raqami (ISSN-2181-1458) ga ega. NamDU Muvofiqlashtiruvchi Kengashining 2024-yil 26-noyabrdagi 8-sonli yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (Bayonnomma № 8). Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.



Назаров Насридин Атакулович

ЧДПУ, профессор

## ТУРК РУНОЛОГИЯСИННИГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИЛДИЗЛАРИ: ТАРИХИЙ ЁНДАШУВ

**Аннотация.** Мазкур мақолада туркий халқарнинг келиб чиқиши шаклари ва уларнинг шаклланиши босқичлари ёритиб берилган. Турк рунологиясидаги ҳвлқларнинг маданияти ва қадриятлари ҳам очиб берилган.

**Ключевые слова:** туркский ҳалқлар, тарихий ёндашув, маданият, маънавият, рунология

Назаров Насридин Атакулович

ЧДПУ, профессор

## СОЦИОКУЛЬТУРНЫЕ КОРНИ ТУРЕЦКОЙ РУНОЛОГИИ: ИСТОРИЧЕСКИЙ ПОДХОД

**Аннотация.** В данной статье описывается происхождение тюркских народов и этапы их формирования. Также раскрываются культура и значения *hvlqs* в турецкой рунологии.

**Ключевые слова:** тюркские народы, исторический подход, культура, духовность, рунология.

Nazarov Nasriddin Atakulovich

CSPU, professor

## SOCIO-CULTURAL ROOTS OF TURKISH RUNOLOGY: A HISTORICAL APPROACH

**Annotation.** This article describes the origins of the Turkic peoples and the stages of their formation. The culture and values of *hvlqs* in Turkish runology are also revealed.

**Key words:** Turkic peoples, historical approach, culture, spirituality, runology

Ёзма ёдгорликларнинг тарихий моҳияти ҳақида изланишларга мурожаат этиш Туркологиянинг туркй тафаккур ривожидаги ўрнини ҳамда эл ўтмишидаги тарихий ва маданий жараёнларининг ўзаро алоқадорлигини кўрсатади. Маълумки, "Туркология – шаклланиш жараёни туркй бўлган, туркй тилда сўзлашувчи халқларнинг тилини, адабиётини, тарихини, этнографиясини, маданиятини, яна руҳоний, маданий қадриятларини тадқиқ этувчи илмнинг соҳаси. Туркология илмининг номланиши ҳозирги туркй халқларга хос, уларнинг аждодлари, VI-IX асрларда яшаб, Ўрхун, Енисей, Талас ва бошқа ёзма ёдгорликларни келажак авлодларга мерос этиб қолдирган, бир-нечча уруг ва қабилалар иттифоқидан ташкил топган макроэтникалик бирлиқ – туркларнинг номи билан шаклланиб, ривожланди"[1]. Яъни, Туркология фани туркй тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари, тарихи, этнографияси, дунёқараши, оғзаки ижоди, урф-одат

ва анъалари, диалектал ўзига хослик ўзакларида мужассамлашган умумийлик каби жиҳатларни ўрганувчи фан. Туркология фани туркларнинг тадрижий такомил босқичларида ушбу элга хос бўлган тарихий-гоявий жараёнлар эволюциясини ўрганиш учун бирламчи манба сифатида тошбитиклардан ҳам фойдаланади. "Хозирги Туркология фанида турли хил белгилар билан ёзилган туркй ёдгорликлар кенг тарқалган ҳамда улар ўрганилган бўлиб, булар руник, уйғур, манихей, брахма, араб, арман-қипчоқ, чигатай битиклари" [2]. Ба бу тошбитиклар қадимги турклар тарихини ўрганиш билан бир қаторда ҳар бир тарихий-маданий даврга хос бўлган гоявий жараёнларни ўрганишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Зоро, ҳар қандай муваффақиятнинг асосида жамият аъзоларида гоявий яхлитлик, умумфаолиятни таъминлашда сафарбар қилувчи гояга содиқлик хислатлари ётади. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда турк рунологиясининг тарихий илдизларини тадқиқ этиш туркй халқлар ўтмишини, жумладан миллий

тариҳнинг янада теранроқ моҳиятини тасдиқлаш билан бир қаторда тарих, лингвистика, этнография ва филологиянинг муҳим қирраларини ўзида мужассамлаштирган Туркология фанининг ҳам янада қадимийроқ характерини таъминлашга хизмат қиласи.

Турк руноологиясининг тарихий илдизлари бевосита қадимги туркларга хос битик шаклига бориб тақалади. Битик муайян тилга мансуб товушнинг белгилардаги ифодаси бўлиб, тариҳнинг маълум даврида муайян халқнинг маданий даражасини ифодалайди. Яъни, битик – ҳар қандай цивилизациянинг ўлчов индикатори сифатида тарихий-маданий тараққиётда муайян эллининг маънавий имкониятлари кўрсаткичи бўлиб, даврга хос тарихий жараёнларни ифодалашга хизмат қиласи. Маълумки, “Юон ва лотин манбаларига таянган ҳолда Европа худудида қадимдан буён тўрт асосий тил фаолият кўрсатган дейишимиз мумкин: булар – грек, лотин, хун ва гот тиллари бўлиб, хун ва гот тиллари скиф тилларидир”[3]. Юқорида келтирилган иқтибосда бизнинг эътиборимизни тортган скиф тиллари хун ва қадимги турк тили учун бошлангич асос бўлиб ҳисобланади. Яъни, қадимги турк тилининг тарихий илдизи хунлар тилига бориб боғланса, хунлар тили ўз навбатида скифлар тилидан ибтидо олади. Юонлар скифлар сифатида манбаларда ифодалаган халқ Осиёда саклар деб аталганликлари тарихий манбалардан маълум. “Юон файласуфи Страбон скиф қабиласи бўлган саклар ҳақида тўхталади. Антик давр манбаларида форслар барча скифларни сак деб аташганлиги ёзилган”. Ушбу маълумотлар скиф ва саклар битта халқнинг икки этноним билан аталганлигини тасдиқлайди.

А.Хўжаевнинг хитой манбалари асосидаги тадқиқотида келтирилишича: “Саклар тарихини ўрганувчи хитой тарихчиларининг қизиқарли хулосаларидан бири шундан иборатки, улар сакларнинг келиб чиқиши турк эканлигини тасдиқлайдилар. Масалан, археологик материаллар таҳлили асосида ҳамда Хитойда тарих фанлари эришган ютуқлар асосида, тадқиқотлари қозоқ халқи этник тарихи ва маданиятига бағишлиланган тарихчи Су Бэйхай саклар дастлаб турклар бўлганлиги, уларнинг тиллари миграциялашув жараёнларида ўзгарганилиги ҳақида ёзди. Эронга яқин ҳудудларда жойлашган саклар форс тилини қабул қиласи бўлсалар, даштларда яшаган саклар эса ўз она тили – турк тилини сақлаб қолганлар”. Ва бу саклар яшайдиган ҳудуд милоддан олдинги X-V асрларда жуда кенг даштикларни қамраб олганлиги билан эътиборни тортади. “Улкан этнохудудлардан бири Скифия бўлиб, унинг ҳудуди Европанинг ярмидан кўп жойи билан teng эди”.

Қадимги турклар аждодларининг шаклланиш жараёни ана шундай улкан ҳудудни эгаллаган бўлиб, турли этнонимлар билан аталганлар. “Висладан Урал тоғларигача бўлган этнохудуд айрим манбаларда Скифия, баъзиларида Сарматия, кейингиларида Сарматия ва Скифияга бўлинганлиги ҳақида тилга олинади”[4]. Албатта, этногенез масаласи чукур билим ва мулоҳазани талаб этади. Чунки, юқорида санаб ўтган қабилалар фин-угор, славян, форс, герман, кельтлар ва кавказ халқлари этногенезида ҳам кузатилиши назарий баҳсларда эшитилиб туради. Чунончи, скифларни эроний тилли бўлганлиги (В.И.Абаев), сарматлар тўғрисида мунозарали масалалар, яъни уларнинг турклар этногенезидаги ўрни масалалари баҳсли бўлсада, скифлар ва туркларнинг этногенетик алоқалар тўғрисида маълум ишлар қилинган. Скиф ёки саклар хунларнинг аждодлари сифатида ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида турли этнонимлар билан аталгани манбалардан маълум. “Шундай қилиб, хунлар Европада турк тилли қадимий скиф-сармат халқи бўлиб, дастлаб Уралда яшаганлар. Қадимда уларни киммерийлар деб аташган”. Бир тарихий этнос тўғрисида этнонимларнинг турли-туманлиги турклар ва хунларнинг аждодлари сифатида скиф ёки сакларнинг ўзлари томонидан ёки атрофдаги ўзга этнослар томонидан берилган сифатловчи атама бўлиб, асосан уларнинг эгаллаб турган ҳудуди ва ҳарбий қобилияtlари билан боғлиқ.

Хунлар мисолида Европа халқлари этногенезида ҳам туркий омилиниг бевосита бўлмасада, бильосита иштирокини кузатамиз. Қозоғистонлик тадқиқотчи ўз асарида Европа халқлари ҳақида сўз юритиб: “Уларнинг аждодлари қачонлардир чавандозлар бўлиб, турк тилида сўзлашганлар”[5], - дейди. Турк тилида сўзлашганилари баҳсли масала, лекин Европа цивилизацион тараққиётида хунларнинг ўрнини эътибордан қочирмаслигимиз лозим. Албатта, от бошқариш маданияти умуминсоний маданиятда кескин бурилиш ясаб, қадимги турклар аждодларининг темирчилик маданиятида ўқ-ёй ихтиросидан сўнг узантининг ихтиро қилиниши баходир жангчининг от устида жанговар қобилиятиининг барқарорлиги ва узлуксизлигини таъминлади. Илгари от юқ ортиш ва манзилга етиш воситаси сифатида фойдаланилган бўлса, энди қадимги туркларнинг аждодлари томонидан от устида узангига оёқни тираб, олди ва орқа томонига эркин ҳаракатни, эркин ҳаракат бўлганда ҳам жанговар ҳаракатни таъминлади. “...ихтиро этилган металл, узанги, юқ уловлари арава ўрнида ишлатила бошлангач, карвонлар сахро ва тоғ довонларидан нисбатан осон ва тез ўтиш имкониятига эга бўлдилар”[6]. Айниқса, от абзалларининг мукаммаллапиб бориши, отни бошқариш, унинг

устыда әркин ҳаракат қилиш имкониятларини вүжудга келтирди. Бу имкониятлардан түрк баһодирларисамарали фойдаланғанлыги илк ўрта аср ва ўрта аср манбаларидан маълум

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Туймебаев Ж.Ж., Ескеева М. Туркитанудын тарихи-лингвистикалык негиздери (Историко-лингвистические основы Тюркологии). – Алматы, 2015. – Б. 14.
- 2.Великая степь: Материалы III Форума гуманитарных наук. I-том. – Астана, 2018. – С. 492.
- 3.Дроздов Ю.Н. Тюркская этнонимия древнеевропейских народов. – Москва, 2008. – С. 25.
- 4.Ходжаев А. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. - Ташкент: Навruz, - 2017. – С. 63.
- 5.Томпиев К.К. О тюркских племенах и народах Азии и Европы. Глава 83. Тюркские племена и народы Европы. - Алматы: КазАкпарат, 2010. – С. 17.
6. Гумилев Л. Древние тюрки. – Москва: Айрис-Пресс, 2005. – С. 8.